Депутатлар фаолияти

# РЕЖАЛИ ИШ ТАРҚАМАС

УЧРАШУВ кутилганидан қизғин ўтди. Сайловчилар бирин-кетин истак ва талабларини баён этишди. Депутат уларни ёзиб олишга зўр-базўр улгурарди. Бу талаблар ичида оила муаммоларидан тортиб боғча қурилишигача бўлган масалалар бор. Бунинг устига ҳар бир сайловчи ўзи билдирган истагининг қачон амалга ошиши муддатигача аниқ билишни хоҳлаяпти. Уларга нима деб жавоб бериш керак? Қани энди бу ишларнинг бажарилиши биргина депутатга боғлиқ бўлса-ю, улар дарҳол амалга ошақолса.

Айниқса Юнусобод даҳасининг 6-мавзесидаги ички йўлларни тартибга келтириш, уларни асфальтлаш устида қизғин тортишув бўлди.

— Қачондан бери бу масала хусусида бонг урамиз. Турли идораларга мурожаат қиламиз. Лекин ҳамон натижа йўқ. Сансалорликнинг ҳам чеки бор-да ахир,— дейишади аҳоли депутатга шикоят қилиб. — Агар сизнинг ҳам қўлингиздан келмаса очиғини айтаверинг.

Охирида район Советининг депутати Қодиржон Сапаев ўрнидан турди.

— Ҳурматли сайловчилар, — деди у,— қайта қуриш, ошкоралик, демократия замонида...

— Бизга чиройли гапни қўйинг, индаллосини айтинг, — унинг сўзини бўлди кимдир.

— Хўб, айтаман. Мен бу истак ва талабларингизни албатта тегишли ташкилотларга етказаман.

— Етказиш керак эмас, талаб қилиш лозим, — яна луқма ташлади биров.

— Бўпти, талаб қиламан.

Хуллас, учрашув чучмал тугади. Бу нарса Қ. Сапаевни ўйлантириб қўйди. Депутат бўлишни орзу қилиб юрган одам бирдан ғалати бўлиб қолди. Ҳа, кўпчилик ишончини оқлаш у ўйлаганчалик осон эмас экан. Орқага чекинишнинг ҳам иложи йўқ. Энди фақат ишлаш керак. Ишлаганда ҳам тер тўкиб елиб-югуриши лозим. Акс ҳолда кўпчилик олдида мулзам бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

— Хўш, сайловчилар ишончи оқланяптими, — сўраймиз депутатдан.

— Ҳаракат қилаяпман. Сайловдан кейин ўтган қисқа муддат ичида анчагина истакларни бажардим. Шулар орасида ўша тортишувга сабаб бўлган даҳа ичидаги йўлларни асфальтлаш талаби ҳам бор. Куни-кеча сайловчилар ҳузурига боргандим. Улар бу сафар мени яхши қабул қилишди. Истаклари адо этилгани учун миннатдорчилик билдиришди. Ҳарқалай секин-аста улар ишончига кириб боряпмиз.

— Иш услубингиз қанақа? Депутатга қай тартибда ишласа қулай бўлади деб ўйлайсиз?

— Ҳар кимнинг иш услуби турлича, албатта. Лекин кексаларнинг режали иш тарқамас деган гапида катта маъно бор. Шахсан мен шунга амал қиламан. Ўзимга белгилаб олган режа асосида иш тутаман. Сайловчилар томонидан берилган талаб ва истакларнинг моҳиятига қараб ойлик ва квартал планлар тузиб олганман.

Биз депутатдан келажак режалари ҳақида сўраймиз.

— Улар жуда кўп, — дейди у.— Масалан, ҳозир Юнусободнинг 6-мавзесида жойлашган 39 ва 45-уйлар оралиғидаги майдонда дам олишга мўлжалланган шийпон барпо этиш, унинг атрофини гулзорга айлантириш истагида юрибман. Қолаверса, дастурим юзасидан бажарадиган ишларим ҳам кўп.

Депутатнинг иш фаолияти ҳақида бир-икки оғиз сўз. 1987 йилдан бери КПСС аъзоси бўлган Қидиржон Сапаев оддий касб эгаси. У узоқ йиллардан бери шаҳримиздаги 1-троллейбус депосида ҳайдовчи бўлиб ишлаб йўловчилар манзилини яқин қилиб келади.

— Ўзим ишлаётган корхона иқтисодиётини яхшилаш, ўзини-ўзи бошқариш орқали ишчи ва хизматчилар, ҳайдовчилар маошини ошириш, иш жойларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва бекор туриб қолишларга йўл қўймаслик учун курашиб келаяпман, — дейди Қ. Сапаев — Цехларда пухта созланаётган, эрта билан линияга чиқарилаётган машиналар режа миқдоридан юқори бўлиши, машиналарни носозлик оқибатида депога қайтиши камдан-кам содир бўлаётганлиги оқилона иш юритишимизнинг яққол далилидир.

Жамоа олдида йилнинг иккинчи ярми учун режалаштирган вазифаларни уддалаш, ҳаракат линияларига чиқаётган машиналарда 3 миллион 217 минг километр масофани бехатар босиб ўтиб, 26 миллион йўловчи манзилини яқин қилиш ва иқтисодий кўрсаткични 1 миллион 122 минг сўмга етказишда масъулиятли ишлар турибди. Бу улкан вазифаларни амалга оширишда депутат Қ. Сапаев тер тўкиб ишлаяпти.

С. АЛИЕВ.

Бугун—Ҳиндистон мустақиллиги куни

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

1947 йилнинг 15 августида ҳинд халқи ҳаётида тарихий воқеа юз берди — шу шу куни у деярли икки аср давом этган инглиз истибдодидан халос бўлди ва мустақил деб эълон қилинди. Ҳинд халқи учун том маъноси билан янги ҳаёт, янги давр бошланди.

Шу тарихий кундан бир неча ой бурун, 1947 йилнинг апрель ойида мамлакатларимиз ўртасида алоқа ўрнатилди. Шундан кейин икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқалар ҳам шакллана бошлади. Совет Иттифоқи ёш Ҳиндистон Республикасига ёрдам қўлини чўзди. Имтиёзли шартлар асосида оғир саноатни йўлга қўйишда кўмак берди. 1955 йил 2 февралда Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи Бхилай металлургия заводини қуриш бўйича шартномани имзолади. Бу завод жуда қисқа муддат ичида ишга тушди. У Ҳиндистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда салмоқли роль ўйнади ва энг муҳими, миллий кадрлар тайёрлаш ўчоғи вазифасини бажарди.

Ҳиндистонда Совет Иттифоқининг ёрдамида ўнлаб саноат объектлари қурилди ва қурилмоқда. Улар ичида ҳозир қурилиши ниҳоясига етиб қолган гигант Висакхапатнам металлургия комбинатини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик даврида Ҳиндистон тез суръатлар билан юксалди — саноат ишлаб чиқариш 7,5, миллий даромад 4 баравар кўпайди. Ҳиндистон саноат ҳажми бўйича дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бир пайтлар мустамлака бўлган бу ўлкада эндиликда замонавий электроника, самолётсозлик, кемасозлик каби муҳим соҳалар кундан кунга ривож топмоқда. Ҳиндистоннинг бу даражага етишида сўзсиз, Совет Иттифоқининг кўмаги салмоқли бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ерда бошланган ҳамкорлик коинотга ҳам етди.

Ҳинд ва ўзбек халқи орасида дўстлик, илмий алоқалар азалийдир. IX асрдаёқ буюк аллома Ал-Хоразмий ҳинд олимларининг математикага оид рисолаларини ўрганган, «биринчи ҳиндшунос» Берунийнинг «Ҳиндистон» асари эса бетакрордир ва ҳоказо. Бу ришталар ундан кейинги даврларда ҳам ривожланаверган.

Совет Иттифоқининг Ҳиндистонга кўрсатаётган ёрдамида Ўзбекистоннинг ҳам катта ҳиссаси бор. Чунончи, юқорида номи зикр қилинган Совет-Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигининг тўнғичи бўлмиш Бхилай металлургия заводига жумҳуриятимиз 1955 йилдаёқ машина ва асбоб-ускуналарнинг дастлабки туркумини жўнатган. Ушбу завод қурилишида Ўзбекистоннинг ўттизга яқин корхонаси иштирок этган. Мамлакатимиз кўмагида қурилган яна бир корхона — Бокаро металлургия заводи қурилишида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналардан ҳам фойдаланилган. Тошкентдаги «Подъёмник» заводининг кранлари, Чирчиқда ишланган трансформатор станциялари, Тошкент кабели, Самарқанддаги «Кинап» заводининг маҳсулотлари шулар жумласидандир.

Бхилай ва Бокаро заводларидан ташқари Ранчи шаҳридаги оғир машинасозлик, Дургапурдаги тоғ-кон ускуналари, Ҳардвардаги оғир энергетика ускуналари, Корбадаги алюминий заводлари, Бҳакра-Нангал, Тамилнаду, Мадҳья-Прадаш, Уттар Прадешдаги иссиқлик электр станциялари, Матхура, Бараууний, Койяладаги нефтни қайта ишлаш корхоналари ва бошқа кўплаб корхоналарда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналардан фойдаланилган ва фойдаланилмоқда. Шуни айтиб ўтиш керакки, маҳсулотларни Ҳиндистонга экспорт қилиш бўйича жумҳуриятимиз Иттифоқда РСФСР ва Украинадан сўнг учинчи ўринни эгаллайди.

Кўриниб турибдики, Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик доираси анча кенг. Лекин ҳали имкониятлар ҳам талайгина. Мамлакатимизда рўй бераётган умидбахш ўзгаришлар, янги сиёсий тафаккур натижаси ўлароқ ҳинд давлат ва сиёсий арбоблари, ишбилармон кишилар жумҳуриятимиз билан кўп томонлама ҳамкорлик қилишга истак-хоҳиш билдирмоқдалар. Бу борада дастлабки қадамлар ташланди. Ўзбекистон шаҳарларида ҳинд фирмаларининг меҳмонхоналар қуриши шу жумладандир. Яқиндагина Ҳиндистон Бош министри В. П. Сингхнинг жумҳуриятимизга сафари, жумҳурият Президенти ва бошқа раҳбарлари билан бўлган суҳбатлар ана шу қизиқишнинг ёрқин далилидир.

Яқин қўшнимиз, дўст ҳинд халқига муваффақиятлар тилаймиз ва Иттифоқимиз билан Ҳиндистон, хусусан, Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, кўп тарафлама ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланаверади ва ривожланаверади, деб умид қиламиз.

**Ансориддин ИБРОҲИМОВ.** ҳиндшунос, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.



ДИЛФУЗАНИНГ ОРЗУСИ. Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси чевари Дилфуза Усмонова элга манзур либослар тиксам дейди.

Х. Мирзакаримов сурати.

Куюнчаклик билан ёзилган

# ТЎЛОВЛАР КИМНИНГ ФОЙДАСИГА?

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА Иттифоқ тасарруфидаги корхоналар анчагина. Улар бир неча ўн йиллардан бери еримизни банд этиб, хом ашёларимиздан фойдаланиб келмоқда. Буларнинг эвазига ҳеч қандай тўловлар тўланаётгани йўқ. Агар қандайдир арзимас фоизлар миқдорида тўланаётган тўловлар рўкач қилинадиган бўлса, улар ҳам ҳеч нарсани оқлай олмайди.

Жумҳурият раҳбарларининг сайъи ҳаракатлари туфайли юқорида тилга олганимиз йирик корхоналар жумҳуриятимизга олаётган фойдаларининг 10 фоизини тўлайдиган бўлдилар. Бу ҳақиқат ҳам унчалик янги бўлмасада, ҳарқалай Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар фаолиятига бир назар ташлашга ундайди. Хўш, улар бугунги кунда қандай ишлашмоқда? Уларга берилган эркнинг ҳозирча оз миқдорда бўлсада сиқиб қўйилаётгани уларда қандай кайфият уйғотмоқда? Улар бундай вазиятни ўзлари учун зарарсиз бўлиши борасида нималар қилишмоқда? Бу саволларнинг ҳаммаси учун В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида жавоб топиш мумкин.

Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз келажагини замоннинг йўналишига қараб бошқа корхоналарга нисбатан аввалроқ илғаб олди. Шу боис бўлса керак, иш фаолияти жараёнини тубдан ўзгартиришга, фан-техника ютуқларини амалиётга жорий қилишга, рационализаторлик таклифлари, техник ва технологик ишланмаларни ўз фойдаси учун ишлатишга интилди. Бунинг натижасида жамоа техника ва технологияга оид иқтисодий самараси 3,1 миллион сўмлик 612 та тадбирни ишлаб чиқаришга жорий қилди. Рақамли бошқариладиган 25 та дастгоҳ ўрнатилди. Икки та робот техникасидан ишлаб чиқаришда фойдаланила бошланди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи термопласт-автоматлар бўлими ташкил қилинди. Бундай тадбирлар бесамара қолмади, албатта. У ўзининг ҳам иқтисодий, ҳам сифат жиҳатидан меваларини берди.

Булардан ташқари корхонада ҳисоблаш техникасидан қўлланиш 24,7 фоиз ишчи вақтини камайтиришга, 10,2 фоиз маъмурий дам олишга чиқиш сонини қисқартиришга, 5,9 фоиз кадрлар сонини камайтиришга сабаб бўлди. Бунинг натижасида 6 минг сўм миқдорида йиллик иқтисодий фойда олишга эришилди. Албатта бу рақамлар замирида жуда катта ташкилотчилик, ишбилармонлик ва меҳнат юки ётибди. Бундан кўз юммаган ҳолда икки ҳолни ҳақиқат тарозусига солиб кўриш ўринли бўлади. Бу — корхона ишлаб чиқаришдан кўрилаётган фойда ва жумҳурият ерини банд этилганидан келаётган зарар. Шу жиҳатдан олиб қараганда 10 фоизлик тўлов ҳам ҳамон йирик корхоналар ҳисобига хизмат қилмоқда.

Д. ҚАЮМОВ.

# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон ССР Автомотоҳаваскорлар жамияти Марказий кенгаши, Автомотоҳаваскорлар жамияти Тошкент вилоят ва шаҳар кенгашлари ҳамда Тошкент гаражлар ва техникадан фойдаланиш бошқармаси коммунистларининг биргаликдаги умумий партия йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КПСС XXVIII съезди делегати — СССР Ички ишлар вазирлиги олий ўт ўчирувчилар мактаби Тошкент филиалининг бошлиғи, юридик фанлари доктори полковник Баҳодир Эргашевич Қосимов сўзга чиқди. У съезд ҳақида, коммунистлар анжумани қабул қилган ҳужжатлар ҳақида гапириб берди, жамоага йўл-транспорт фалокатлари сонини қисқартиришда муваффақиятлар тилади.

Афсуски, ҳали йўл-транспорт фалокатлари тез-тез рўй бериб турибди. Сўнгги вақтларда шахсий фуқароларга қарашли гаражлар сони кўпайди. Ҳозир жумҳуриятимизда 1 миллион 340 мингта шахсий машиналар бор. Жумҳурият автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамиятининг вилоят, шаҳар, район кенгашлари ҳузуридаги 2544 бошланғич ташкилотлар жамиятнинг 148705 аъзосини бирлаштирган. Жамиятнинг 5573 фаоли махсус уюшмаларнинг ишида жонбозлик кўрсатаяпти. Шахсий транспорт ҳайдовчилари билан, жамият аъзолари билан йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш, йўл интизоми ҳақида оммавий тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ана шу мақсадлар учун матбуот, радио ва телевидениедан, кўргазмали қуроллардан фойдаланилмоқда. Ана шу мақсадлар учун харажатлар 16,8 минг сўмдан 29,5 минг сўмгача кўпайди.

Автомактаблар қурилишига катта эътибор берилмоқда. Самарқандда 300 ўринли ҳайдовчилар тайёрлайдиган мактаб қуриб битказилди. Шундай мактаблар Тошкентда, Нукусда, Бухорода қурилаяпти. Синфларни кўргазмали ўқув дарсликлари, қўлланмалари билан жиҳозлаш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда.

Музокараларда сўзга чиққан коммунистлар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги камчиликлар, ҳал этилиши керак бўлган муаммолар хусусида тўхталдилар.

В. АБРАМСОН.

# Хориждан хабарлар

⊙ БЕЛГРАД. Коммунистлар уюшмаси Босния ва Герцеговина давлат органларидаги ўз фаолиятини тўхтатди. Югославиянинг мазкур жумҳурияти фуқароларининг сиёсий ташкилоти тўғрисидаги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг оқибати шунга олиб келди. ТАНЮГ агентлигининг хабар қилишича, энди йигирма мингдан кўпроқ коммунист суд қурилиши ва прокуратурада, жамоат хавфсизлиги идораларида ҳамда сиёсатдан четлаштирилган бошқа давлат идораларида сиёсий ташкилот сифатида иш олиб бориши мумкин эмас.

⊙ ПЕКИН. Хитой Сингапур билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёр. Сингапур жумҳуриятига расмий ташриф буюрган ХХР Давлат Кенгашининг бошлиғи Ли Пэн шуни маълум қилди.

Синхуа агентлигининг хабар беришича, Жануби-Шарқий Осиёдаги ана шу кичик давлат бош министри Ли Куан Ю хитойлик меҳмон шарафига берилган зиёфатда унинг мамлакати ХХР билан яқин ойлар ичида дипломатик муносабатлар ўрнатишни хоҳлаётганлигини айтди.

Бу Хитой ҳукумати бошлиғининг кейинги тўққиз йил ичида Сингапурга буюрган биринчи ташрифидир.

⊙ ХАРАРЕ. Давлатлараро муносабатларда кескинликни юмшатишга олиб борувчи янги халқаро сиёсий иқлим Африка жануби муаммоларини ҳал этиш учун қулай шарт-шароит яратади. Зимбабве президенти Роберт Мугабе Зимбабве қуролли кучларининг 10 йиллигига бағишланиб якшанба куни ўтказилган тантаналарда шу ҳақда гапирди.

Биз СССР билан АҚШ ўртасида мулоқот йўлга қўйилганлигини табриклаймиз, деб таъкидлади Зимбабве раҳбари. Унинг фикрича, Шарқ билан Ғарб ўртасида ҳамжиҳатлик, ишонч ва ҳамкорлик муҳитининг яратилиши ЖАРда апартеидни тугатиш, Мозамбик ва Анголадаги вазиятни яхшилаш учун жуда мақбул шароитни вужудга келтиришга кўмаклашади.

⊙ НАЙРОБИ. Кениянинг жануби-ғарбидаги Ньянза вилоятида Ламбуе қишлоғига маймунлар «отряди» ҳужум қилди. Уларнинг ҳаракатига қараганда, «операция»га пухта тайёргарлик кўрилган. Эрталаб соат 10 да 20 га яқин маймун маҳаллий бойнинг уйига бостириб кирди. Уй эгасини бурчакка қисиб қўйиб, тўғри ошхонага йўл олди. Маймунлар қоринларини тўйдиргач, уй ёнида юрган товуқларни қувлай бошладилар. «Талончилар»нинг худди шу ҳаракати уларни мағлубиятга олиб келди.

Уй эгаси маймунлар товуқларни қувлаш билан овора бўлиб кетганидан фойдаланиб, яширинган жойидан чиқди ва бақира бошлади. Яқин-атрофда мотам маросими ўтаётган эди. Маросим қатнашчилари ғам-ғусса маросимини қолдириб, маймунлар ҳужумини қайтаришга киришдилар. Бироқ маймунлар ҳам қочишни хаёлига келтиришмади. Улар яна ошхонага кириб, ғамлаб қўйилган таомларни тугатишди, одамларга эса «қўлига тушган» нарсани ота бошладилар. Сабр-бардоши тугаган кишилар таёқларни ишга солишди. Натижада учта маймун ўлдирилди, нечтаси ярадор бўлгани ҳақида хабар қилинмади.



⊙ Шэн Цян ташқи кўриниши билан мактабдаги машғулотларни ҳали хаёлига ҳам келтирмаётган, турли болалар ўйинлари билан машғул бўлган ўз тенгдошларидан ҳеч фарқ қилмайди.

Шэн 10 ойлик бўлганида ота-онаси унга ўйинчоқ сифатида анъанавий рангларга бўялган Хитойнинг ўйин қарталарини бериб қўйишар эди. Ўша пайтдаёқ улар ўғилларининг эслаб қолиш қобилияти кучлилигига биринчи марта эътибор беришганди. Шэн бир ярим яшар бўлганида қадимги кўп сонли шеърларнинг сатрларини ёддан ўқиб бериши, юзгача санаши мумкин эди. Икки ёшга тўлганида болакайнинг отаси—Имун-Маньчжурия мухтор уезди олий ўқув юртларидан бирининг ўқитувчиси у билан математика соҳасида шуғуллана бошлади. Орадан бир йил ўтмай у рақамлар билан эркин муомала қиладиган бўлди. Тўрт ёшида махсус комиссия унинг учинчи синфда ўқишига рухсат берди. У математика бўйича синовдан муваффақиятли ўтди. Унинг энг яхши кўрган машғулоти — мутолаа қилиш.

СУРАТДА: Шэн Цян инглиз тили машғулотида.

Синьхуа—ТАСС сурати.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

# «ЛАҒМОН»

**⊙ Ана шу сарлавҳа остида «Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 9 июнь сонида шанба фельетони босилиб чиққан эди. Унда Тошкент шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли айрим корхоналарда рўй бераётган нуқсонлар, буюртмаларни сифатсиз бажариш, мижозлар ҳақига хиёнат қилиш, уларнинг талаб-истакларига лоқайд муносабатда бўлиш, айримларида эса умуман шикоят ва мулоҳазалар дафтарлари юритилмаётгани танқид ўти остига олинган эди.**

**Бу фельетон текшириб, чора кўриш учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига юборилди. У ердан рўзнома муҳарририятига йўлланган жавоб мактубига шу бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи В. Рянский имзо чеккан. Унда, жумладан, қуйидагилар хабар қилинади:**

—«Шуни маълум қиламизки, «Тошкент оқшоми» рўзномасида босилган «Лағмон» сарлавҳали шанба фельетони муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар кимёвий усулда кийим тозалаш фабрикаси ўтган 1989 йилда режани бажармади. Бунинг (яъни 72,6 фоиз адо этилганининг) асосий сабабларидан бири — иттифоқимизга чет элдан (яъни Ғарбий Германиядан) келтириладиган асосий кимёвий модда—перхлорэтилен ўз вақтида етказиб берилмади. Натижада фабриканинг ҳамма бўлинма ва қабул пунктлари ишни тўхтатишга мажбур бўлди. Бу эса аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг сусайишига ва шикоятларнинг кўпайишига олиб келди.

Тошкент шаҳар халқ назорати қўмитасининг ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида фабриканинг баъзи бир бўлинма ва қабул қилиш пунктларида қатор камчиликлар аниқланган эди. Чунончи, сифатсиз тозалаш, буюртмани аҳолига ўз вақтида етказиб бермаслик, «Шикоят ва мулоҳазалар» дафтари йўқлиги каби нуқсонлар бор эди.

Маъмуриятнинг шу йил 29 мартда чиқарган 65-буйруғи билан юқорида кўрсатилган камчиликларга йўл қўйганлиги учун бўлинма бошлиқлари Б. Азизов, А. Қаландаров, Д. Акбаров, А. Эгамбердиев, Х. Баталов, Д. Нургалиевлар огоҳлантирилдилар. Бўлинма бошлиқларидан С. Муллажонов ва Х. Усмонов, 5 ва 6-қабул қилиш пунктларининг хизматчилари Л. Ким ва Харитоноваларга ишда йўл қўйган нуқсонлари учун қаттиқ хайфсан эълон қилинди. Фабриканинг бўлинма ва қабул қилиш пунктларидаги камчиликлар бартараф қилинди. Бўлинма ва қабул қилиш пунктлари «Шикоят ва мулоҳаза»лар дафтарлари билан тўлиқ таъминланди.

«Лағмон» фельетонида Тошкент шаҳар сартарошлик хизмати комбинатининг бошлиғи ўз нутқида хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш ва мижозлар ҳақига хиёнат қилишга қарши қаратилган курашни кучайтиришга ваъда берганлиги кўрсатилган.

Бугунга қадар комбинат ҳисобига атир-упа молларини етказиб бериш ва усталар билан таъминлаш масаласи ҳал қилинди. Бу тадбир аҳоли учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш турини янада яхшилаш имконини беради.

Шу билан бирга, белгиланган нархларга риоя қилиш учун усталар устидан назорат кучайтирилди, қоида бузувчиларга нисбатан эса тегишли чоралар қўлланмоқда. Масалан, 1990 йил январь ойидан бошлаб ўтган давр ичида 50 дан ортиқ киши жазоланди.

Яна шуни хабар қиламизки, Тошкент шаҳар «Рембиттехника» ва «Металлобитремонт» ишлаб чиқариш бирлашмалари Тошкент шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига эмас, балки Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлигининг «Узрембиттехника» ишлаб чиқариш бирлашмасига бўйсунади».

**⊙ МУҲАРРИРИЯТДАН: Бу жавоб хати билан танишгач, таажжубланмасдан иложимиз қолмади. Нега дейсизми! Қаранг, рўзномамизда мазкур фельетон 9 июнь куни босилиб чиққан эди. Аммо шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи В. Рянский бу фельетонни ҳали ёзиш ҳам хаёлда йўқ пайтда, яъни ҳатто ундан (фельетон босилган кундан) икки ой аввал ходимларга ишдаги нуқсонлари учун берилган жазони рўкач қилаётир. Демак аслида хом ашёни асосий сабаб қилиб кўрсатиб, бошқа хил нуқсонларга йўл қўйган кишиларга нисбатан ҳеч бир чора кўрилмагани равшан. Аксинча бу жавоб хати юқорида номлари кўрсатиб ўтилган ходимлар фельетон чиққандан кейин ишда бирон-бир ўзгариш ясаганликларига оқшомхонларда шубҳа уйғотмайдими, ахир! Қисқаси, муҳарририят Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлигининг «Узрембиттехника» ишлаб чиқариш бирлашмасидан ва Тошкент шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасидан тегишли жавоб кутади!**

